

13.12.2022 йил.

Гулистон шаҳри.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Сирдарё минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи директор З.Базаров бир томондан, матнда кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган «ARCHITEKTOR UY-YO'L LOYIHA» МЧЖ Низоми асосида иш кўрувчи раҳбари Д.Абдурахмонов иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. “Пудратчи” ушбу шартнома шартларига мувофиқ Гулистон туман Тажрибакор МФЙ Улкансой-1 кучаси лойиҳа ва смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. “Буюртмачи” эса “Пудратчи”га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. 2022 йил 12.07 кунги танловда (ЛОТ рақами № 22110012199072) голиб бўлиб бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати ( ҚҚС ва барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 1 615 000 сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштирилган маблағи аниқлангандан сўнг тегишли Ғазначилик тизимидан (Уззбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан “ Буюртмачи ” махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунида “Буюртмачи” томонидан бажариладиган ишлар қийматининг аванс (бўнак) тарикасида 30 % келишилган сумма “Пудратчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки маҳаллий бюджетдан “ Буюртмачи ” махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, “Пудратчи” томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4. “Пудратчи” томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 31 декабр кунига қадар “Буюртмачи” гатопширилиши шарт ҳисобланади. Қурсатилган муддатда “Пудратчи” томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан “Буюртмачи” томонидан молиялаштирилиш масаласи қайта куриб чиқилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар “Буюртмачи” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Пудратчи”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномага илова қилинадиган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва мазкур шартноманинг ишларни бажариш тўғрисидаги 1-илоvasида кўрсатилган жадвал асосида 30 кунда ишларни бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

Объектнинг ижро ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини ва ҳисоб варақ фактуралар (юк хати)дан нусха тақдим этади.

3.3. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз қучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “Буюртмачи” олдидан тўлиқ мулккий жавоб беради. “ Пудратчи ” “ Буюртмачи ” олдидан ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. “ Буюртмачи ” “ Пудратчи ” билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. “Пудратчи” геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, “Пудратчи” тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. Агар беркитилган (ёпилиб кетадиган) ишлар “Буюртмачи”нинг тасдиқсиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисmini ўз ҳисобидан очишга, сўнгра уни тиклашга мажбурдир.

3.6. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача “Пудратчи” қурилиш монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтари (журнал)ни юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс этирилади.

“Пудратчи” дафтар (журнал)да “Буюртмачи” томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига “Пудратчи” тўлиқ жавобгар бўлади.

“Пудратчи”нинг ҳуқуқлари:

3.8. Бажариб бериладиган иш учун олинган аванс ҳақ тўланишини мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш.

3.8. Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари “Пудратчи” томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда икисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида “Буюртмачи”ни хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

3.8. “Пудратчи” зарур ҳолларда айрим иш турларини бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўз имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.9. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.10. Тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.11. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинади.

“Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

3.12. “Пудратчи”дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.13. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.14. “Пудратчи”дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.15. “Пудратчи” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш.

3.16. Техник қузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

3.17. Агар “Пудратчи” шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектни “Буюртмачи”га топширмаган тақдирда, “Буюртмачи” мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. “Пудратчи” объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси тўлаб берилган маблағнинг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаса, “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20 %и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддалари асосида белгиланади.

## V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2 “ Пудратчи ” нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузиллиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, “ Пудратчи ” да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига қирмайди.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағий молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда “ Буюртмачи ” ва “ Пудратчи ” ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан ҳал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Гулистон туманлараро Иқтисодий суди орқали ҳал этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Газначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Объектнинг жорий таъмирлаш бўйича маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан “Буюртмачи” нинг махсус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаен ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### “БУЮРТМАЧИ”

Сирдарё минтақавий йулларга буюртмачи  
хизмати давлат унитар корхонаси  
Гулистон ш. Саховат кучаси 1-уй.

Тел/факс: 236 55 46  
ш/х: 30182 8000 01118020  
СТПР: 236 55 998

Директор  Б.Базаров



### “ПУДРАТЧИ”

« ARCHITEKTOR UY-YO'L  
LOYIHA» МЧЖ

Mirzaobod t. Toshkent MFU Toshkent  
ko'chasi 12-uy

Sirdaryo v. Guliston sh. “TIF Milliy Bank” AJ  
X/P: 2020 8000 6054 5239 4001

МФО: 00363

ИИН: 308977115

Рахбар

Д. Абдурахмонов



## ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА.

Ўзаро тузилган пудрат шартномасининг шартлари, хусусан, тарафларнинг ҳуқуқлар, мажбуриятлари, кафолатлари, ишларнинг бажариш муддатлари, ҳисоб-китоб ва туловлар, ишлаб чиқариш, форс-мажор, тугалланган қурилиш объектини қабул қилиш ҳолатлари, шартномани бекор қилиш ҳамда тарафларнинг мулкӣ жавобгарлик асослари, низоларни ҳал қилиш тартиби ва якуний талаблар Фуқаролик кодексининг 26, 27, 28 ва 37-боблари ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларига мос келади, шартнома тузувчи шахслар шартномани имзолаш ҳуқуқига эга, шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Сирдарё МИБХ ДУК  
Бош юриконсулти:-

Ф.Х.Усаров



## ТАНЛАШ БАЁННОМАСИ

“13” 12 2022 йил

Катнашдилар :	<b>Хайъат раиси:</b> З.Базаров	Директор
	<b>Аъзолари:</b> З.Таджикулов Ф.Усаров М.Култаев Ў.Худойбердиев Ш.Таниев А.Абдумунинов	Бош мухандис Бош юристконсулт Лойиха таъминот бўлими бошлиғи Тендерларни ташкил этиш бўлими Бош ҳисобчи Ишлаб чиқариш бўлими бош мутахассис

## КУН ТАРТИБИ

1. **АРХИТЕКТОР УЙ-ЙЎЛ ЛОЙИХА МЧЖ** таклифини ўрганиб чиқиш.
2. **MAGISTRAL QURILISH SERVIS MCHJ** таклифини ўрганиб чиқиш.

Кун тартибида қўйилган масала юзасидан хайъат раиси З.Базаров сўзга чиқиб, йиғилиш катнашчиларига Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунинг 7-боб 60-моддасининг талабларига мувофиқ Сирдарё вилояти Гулистон тумани Тажрибакор МФЙ Улкансой-1 кучасини жорий таъмирлаш лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун **АРХИТЕКТОР УЙ-ЙЎЛ ЛОЙИХА МЧЖ** ва **MAGISTRAL QURILISH SERVIS MCHJ**лардан таклифлар электрон шаклда жойлаштирилганлигини маълум қилади.

Хайъат аъзолари ҳамда таклиф берувчиларнинг электрон шаклда жойлаштирилган ҳужжатлари куриб чиқилганда куйидаги таклифлар берилганлиги маълум бўлди.

1. **АРХИТЕКТОР УЙ-ЙЎЛ ЛОЙИХА МЧЖ** таклифи 1 615 000 сўм ва лойиха муддати 30 кун
  2. **MAGISTRAL QURILISH SERVIS MCHJ** таклифи 1 620 000 сўм ва лойиха муддати 30 кун
- Хайъат раиси: (З Базаров) ушбу кўрсатилган таклифни хайъат аъзоларига таништирди. Овозга қўйиш натижасида Сирдарё вилояти Гулистон тумани Тажрибакор МФЙ Улкансой-1 кучасини жорий таъмирлаш лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича **АРХИТЕКТОР УЙ-ЙЎЛ ЛОЙИХА МЧЖ** техник жихатдан салоҳияти юқори бўлганлигини инobatга олиб, ушбу ташкилот билан 1 615 000 сўмга шартнома тузишга қарор қилинди. Харид комиссияси аъзоларида мазкур лот 22110012199072 иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқаларлик мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг (ЎРК-684-сон, 22.04.2021 й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур лот (лар)да иштирок этмапти. Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Ушбу 22110012199072 сонли лот рақами бўйича Сирдарё МЙХБ ДУК томонидан тасдиқланган танлаш баённомаси юзасидан ҳеч қандай эътироз ёки нарозиликлар юзага келмади.

Овозга қўйиш натижасида 7 та овоз билан **АРХИТЕКТОР УЙ-ЙЎЛ ЛОЙИХА МЧЖ** ғолиб чиқди. Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда хайъат

## КАРОР КИЛДИ:

1. **АРХИТЕКТОР УЙ-ЙЎЛ ЛОЙИХА МЧЖ**, **MAGISTRAL QURILISH SERVIS MCHJ** ташкилотлардан тушган таклифлари эътибога олинсин.
2. Танлов ғолиби этиб **АРХИТЕКТОР УЙ-ЙЎЛ ЛОЙИХА МЧЖ** эълон қилинсин ва ушбу ташкилот билан 1 615 000 сўмга шартнома тузилиши мақуллисин.

### Аъзолари:

З.Таджикулов

Ф.Усаров

М.Култаев

Ў.Худойбердиев

Ш.Таниев

А.Абдумунинов



№	Объект/архитектурно-ландшафтный комплекс	Курсы/этажи/полы	Участок	Площадь	Назначение	Средняя стоимость земельного участка, тыс. тенге	Учредитель		Инвестор				Средняя стоимость на дату вступления в силу	Средняя стоимость на дату вступления в силу	Средняя стоимость на дату вступления в силу	Средняя стоимость на дату вступления в силу	Средняя стоимость на дату вступления в силу	
							Имя	Сумма	Имя	Сумма	Имя	Сумма						Имя
1	Голублар кўчаси	2022-2023 йил	0,560	0,593		135 173,419		0,360	132 073,419		3 100,000	1 100,000		2 000,000	14.11.2022 й й №71419	21	22	23
2	Турайбеков кўчаси	2022-2023 йил	0,560	0,290		137 532,823		0,290	134 332,823		3 200,000	1 100,000		2 100,000	14.11.2022 й й №72075			
3	Беруний кўчаси	2022-2023 йил	0,593	0,330		149 494,117		0,330	146 114,117		3 380,000	1 100,000		2 280,000	14.11.2022 й й №72075			
4	Бозорбеков кўчаси	2022-2023 йил	0,593	1,573		188 955,134		1,573	184 963,134		3 992,000	1 100,000		2 892,000	14.11.2022 й й №72075			
5	Навроз кўчаси	2022-2023 йил	0,290	13,071		137 532,823		12,081	134 332,823		3 200,000	1 100,000		2 100,000	14.11.2022 й й №72075			
6	Заманбаб кўчаси	2022-2023 йил	0,330			149 494,117			146 114,117		3 380,000	1 100,000		2 280,000	14.11.2022 й й №72075			
31	Маданият МФЙ бўйича жами:		13,071			611 155,493			597 483,493		13 672,000	4 400,000		9 272,000				
31	Гулнестон шаҳар бўйича жами:					7 886 296,303			7 573 263,867		313 032,436	188 382,436		124 650,000				
2	Ширин шаҳри																	
	Буёқсар МФЙ																	
1	13-14 доғлар олдига йўли	2022-2023 йил	0,145			43 503,529		0,145	40 739,802		2 763,727	1 368,727		1 395,000	14.11.2022 й й №71481			
2	10 доғлар олдига йўли	2022-2023 йил	0,100			30 225,756		0,100	28 096,416		2 129,340	950,340		1 179,000	14.11.2022 й й №71481			
3	12 доғлар олдига йўли	2022-2023 йил	0,140			42 029,347		0,140	39 334,982		2 694,365	1 324,365		1 370,000	14.11.2022 й й №71481			
4	Заманбаб кўчаси	2022-2023 йил	0,061			27 880,476		0,061	25 477,637		2 002,839	866,839		1 136,000	14.11.2022 й й №71481			
5	Заманбаб кўчаси-1	2022-2023 йил	0,100			4 052,435		0,100	3 160,900		891,535	134,535		757,000	14.11.2022 й й №71481			
5	Буёқсар МФЙ бўйича жами:		0,546			147 291,543		0,546	136 809,737		10 481,806	4 644,806		5 837,000				
	Фарҳат МФЙ																	
1	Намуна кўчаси	2022-2023 йил	0,100			45 206,557		0,100	42 359,895		2 846,662	1 423,662		1 423,000	14.11.2022 й й №71419			
2	Намуна 1 кўчаси	2022-2023 йил	0,150			59 745,138		0,150	56 192,831		3 552,307	1 889,307		1 663,000	14.11.2022 й й №71419			
3	Намуна 2 кўчаси	2022-2023 йил	0,302			134 804,291		0,302	128 379,419		6 424,872	4 240,872		2 184,000	14.11.2022 й й №71419			
4	Намуна 3 кўчаси	2022-2023 йил	0,130			58 270,797		0,130	54 788,010		3 482,787	1 843,787		1 639,000	14.11.2022 й й №71419			
5	Намуна 4 кўчаси	2022-2023 йил	0,100			45 234,695		0,100	42 388,035		2 846,660	1 423,660		1 423,000	14.11.2022 й й №71419			
6	Истиқлол кўчаси	2022-2023 йил	0,125			56 101,199		0,125	52 727,606		3 375,593	1 775,593		1 600,000	14.11.2022 й й №71419			
7	Истиқлол-1 кўчаси	2022-2023 йил	0,091			41 050,655		0,091	38 398,435		2 652,220	1 295,220		1 357,000	14.11.2022 й й №71419			
8	Бобур кўчаси	2022-2023 йил	0,086			34 538,454		0,086	32 217,223		2 341,231	1 090,231		1 251,000	14.11.2022 й й №71419			
9	Беруний кўчаси	2022-2023 йил	0,040			16 461,849		0,040	14 984,755		1 477,094	519,482		957,612	14.11.2022 й й №71419			
10	Веруний-1 кўчаси	2022-2023 йил	0,114			45 580,770		0,114	42 706,552		2 874,218	1 442,218		1 432,000	14.11.2022 й й №71419			
11	Бўстон кўчаси	2022-2023 йил	0,071			41 155,125		0,071	38 500,216		2 654,909	1 296,909		1 358,000	14.11.2022 й й №71419			
12	Бўстон 1 кўчаси	2022-2023 йил	0,131			61 412,823		0,131	57 793,167		3 619,656	1 933,656		1 686,000	14.11.2022 й й №71419			
13	Бўстон 2 кўчаси	2022-2023 йил	0,050			20 395,086		0,050	18 730,944		1 664,142	643,142		1 021,000	14.11.2022 й й №71419			
14	Жолиба 1 кўчаси	2022-2023 йил	0,050			20 395,086		0,050	18 730,944		1 664,142	643,142		1 021,000	14.11.2022 й й №71419			
15	Жолиба 2 кўчаси	2022-2023 йил	0,070			28 261,783		0,070	26 223,321		2 038,462	890,462		1 148,000	14.11.2022 й й №71419			
16	Жолиба 3 кўчаси	2022-2023 йил	0,250			99 073,101		0,250	93 654,718		5 418,383	3 121,383		2 297,000	14.11.2022 й й №71419			
17	Жолиба 4 кўчаси	2022-2023 йил	0,050			15 480,694		0,050	14 048,208		1 432,486	490,486		942,000	14.11.2022 й й №71419			
18	Зикор кўчаси	2022-2023 йил	0,045			14 001,497		0,045	12 643,387		1 358,110	441,110		917,000	14.11.2022 й й №71419			
19	Зикор 1 кўчаси	2022-2023 йил	0,030			9 542,554		0,030	8 398,565		1 143,989	299,989		844,000	14.11.2022 й й №71419			
20	Зикор 2 кўчаси	2022-2023 йил	0,070			21 378,366		0,070	19 667,491		1 710,875	673,875		1 037,000	14.11.2022 й й №71419			
21	Ахалидж кўчаси	2022-2023 йил	0,151			60 134,377		0,151	56 567,450		3 566,927	1 898,927		1 668,000	14.11.2022 й й №71419			
22	Ахалидж-1 кўчаси	2022-2023 йил	0,096			38 499,083		0,096	35 963,410		2 535,673	1 218,673		1 317,000	14.11.2022 й й №71419			
















№	Объектларнинг номи ва манзили	Қўриқ бўлиши ва йили	100%нинг қиммати, тенгиз ва	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11			12			13			14	15	16	17	18		19	20	21	22	23	
														Тўғриқ бўлиши ва йили			Тўғриқ бўлиши ва йили			Тўғриқ бўлиши ва йили							18							20
														11	12	13	14	15	16	17	18	19					(млн сўм)	(млн сўм)						
3	А. Қалхор кўчаси	2022-2023 йил	0,450				0,450	239 318,983	0,450	239 318,983						10 935,837	9 376,837	1 559,000												15.11.2022 й	№72669	Танлов жоссида		
4	Уйғун кўчаси	2022-2023 йил	0,590				0,590	246 730,572	0,590	246 730,572						4 615,575	1 100,000	3 515,575											16.11.2022 й	№73453	Танлов жоссида			
5	Ишони кўчаси	2022-2023 йил	0,180				0,180	75 273,734	0,180	75 273,734						3 439,682	2 163,682	1 276,000											15.11.2022 й	№72709	Танлов жоссида			
5	Ширин МФЙ бўйича жами:		3,560				3,560	1 064 357,949	1,850	211 581,841	1,710	852 756,108	0,000			36 419,464	20 508,889	15 910,575																
	Мағозат МФЙ																																	
1	Х. Дўстали кўчаси	2022-2023 йил	1,000				1,000	480 614,120			1,000	480 614,120				4 000,000	1 100,000	2 900,000											18.11.2022 й	№75108	Танлов жоссида			
1	Мағозат МФЙ бўйича жами:		1,000				1,000	480 614,120			1,000	480 614,120				4 000,000	1 100,000	2 900,000																
	Баҳор МФЙ																																	
1	Иби Сино кўчаси (Қабристонга барқарор кўчаси)	2022-2023 йил	0,340				0,340	285 182,400	0,340	285 182,400						7 080,000	1 100,000	5 980,000											18.11.2022 й	№75111	Танлов жоссида			
1	Баҳор МФЙ бўйича жами:		0,340				0,340	285 182,400	0,340	285 182,400						7 080,000	1 100,000	5 980,000																
10	Сирдарё тумани бўйича жами:		8,115				8,115	3 013 359,440	3,965	630 198,053	4,150	2 313 876,071	0,000			69 291,316	26 008,889	43 282,427																
215	Буюртмачиликнинг жами ҳақидаги:		116,178				116,178	52 479 000,000	38,846	7 019 962,781	57,346	29 739 086,441	19,986	14 037 665,127		1 682 285,651	829 847,366	852 438,285																
	Тақсимидаги жами:							0,000																										
	Сирдарё вилояти бўйича жами:		116,178				116,178	52 479 000,000	38,846	7 019 962,781	57,346	29 739 086,441	19,986	14 037 665,127		1 682 285,651	829 847,366	852 438,285																

116-қўрилмада белгиб берилган қўрилма ва объектларнинг ҳақиқатдан ҳам қўрилма ва объектлар бўлишига аниқлик киритиш мақсади билан.



Сирдарё вилояти ҳокимлиги раёсидаги 2022 й. 3. Сулаймон 2022 й. 3. Сулаймон

Сирдарё вилояти ҳокимлиги раёсидаги 2022 й. 3. Сулаймон 2022 й. 3. Сулаймон

Сирдарё вилояти ҳокимлиги раёсидаги 2022 й. 3. Сулаймон 2022 й. 3. Сулаймон

Сирдарё вилояти ҳокимлиги раёсидаги 2022 й. 3. Сулаймон 2022 й. 3. Сулаймон